



САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ МОҲИАТИНИ ОЧИБ БЕРИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР

Отаниёзов Орифжон

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ORCID: 0009-0001-6252-0701

orifdjon@gmail.com

Аннотация. Мақолада саноат корхоналарида ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий самарадорлиги категорияси моҳиятини очиб беришда муаллифлар томонидан амалга оширилган ёндашувлар қиёсий таҳлили амалга оширилган ва муаллифлик таърифи келтирилган.

Калит сўзлар: саноат корхонаси, иқтисодий фаолият, иқтисодий самарадорлик, натижадорлик, самара.

ПОДХОДЫ К РАСКРЫТИЮ СУЩНОСТИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Отаниёзов Орифжон

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация. В статье проведен сравнительный анализ подходов, реализуемых авторами при раскрытии сущности категории «экономическая эффективность производственной деятельности промышленных предприятий», и представлено ее авторское определение.

Ключевые слова: промышленное предприятие, хозяйственная деятельность, экономическая эффективность, результативность, эффективность.

APPROACHES TO DISCOVERING THE ESSENCE OF ECONOMIC EFFICIENCY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Otaniyozov Orifjon

Tashkent Textile and Light Industry Institute

Abstract. In the article, a comparative analysis of the approaches implemented by the authors in revealing the nature of the category of economic efficiency of production activity in industrial enterprises was carried out and the author's definition was presented.

Keywords: industrial enterprise, economic activity, economic efficiency, effectiveness, efficiency.

Кириш.

Иқтисодий самарадорлик иқтисодий фаннинг мураккаб категорияларидан бири саналади. У инсон фаолиятининг барча соҳаларига тааллуқли бўлиб, одатда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари натижаларига нисбатан амалиётда баҳолаш мезонларидан бири сифатида қўлланилади. Шунингдек, ушбу иқтисодий категория бозор иқтисодиёти шароитида рўй берадиган иқтисодий жараёнларда пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар яхлитлиги, кўп ўдчовлиги ва динамик тарзда амалга оширилиши каби хусусиятларни ўзаро боғлиқликда тизим сифатида қарашда намоён бўлади. Ушбу муаммоларнинг ечими ташқи муҳитдаги бозор ўзгаришларига мос келиши керак. Замонавий иқтисодиёт ижтимоий ва иқтисодий тузилмалар таркибий қисмларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, корхонанинг барқарор ва динамик ҳолатига эътибор қаратиб, иқтисодий самарадорлик концепциясига янги ёндашувни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шунинг учун саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликга эришиш имкониятларини излаб топишда унинг моҳиятини тўлақонли очиб бериш долзарб маъно касб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий адабиётларда “самара”, “самарадорлик”, “ижтимоий- иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларни ёритишга етарлича эътибор қаратилган. Аммо, бу тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур. Шу боисдан, аynиқса, “иқтисодий самарадорлик” атамасининг моҳиятини очиб беришда муаллифлар томонидан кўплаб талқин ҳамда ёндашувлар амалга оширилган.

Самарадорлик назарияси соҳасидаги классиклардан бири *Хачатуров (Исаев и др., 2019)* ушбу атамани қуйидагича аниқлайди: «самарадорлик (ва ижтимоий) иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг унга эришиши учун зарур бўлган харажатларга нисбатидир».

Виварес ва Дистергефт (2020) унга қуйидагича таъриф берган: «ҳар қандай инсон томонидан амалга ошириладиган жараёнининг самарадорлигини баҳолаш муаммоси ва биринчи навбатда, ишлаб чиқариш жараёнини, энг ўткир ва долзарб иқтисодий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг айрим жиҳатлари ҳали ҳам иқтисодий фанларда «оқ доғлар» бўлиб қолмоқда. Бу муаммонинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ҳақида илмий мунозаралар кўп ўн йиллардан буён давом этиб келмоқда. Улар бугун ҳам тўхтамайди».

Республикаимиз олимларидан *Абдукаримов ва Пардаев (2007)* каби фикрича, «самарадорлик – бу содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижа билан яқунланганлигини ифодаладиган тушунча. «Самара» ва «самарадор» тушунчалари мутлақ кўрсаткич бўлса, «самарадорлик» нисбий кўрсаткичдир», деб изоҳлашган.

Яна бир иқтисодчи олим *Абдуллаевнинг (1998)* фикрича, «самарадорлик нисбий кўрсаткич бўлиб, уни макродаражада ҳисоблашда ресурслар, харажатлар ва олинган самара (натижа)га асосланади».

“Иқтисодий самарадорлик” атамасига ҳам муаллифлар томонидан турлича таърифлар келтирилган.

Хорижлик олим *Тодаро (2017)* фикрича: «Иқтисодий самарадорлик - самарали талабнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ресурс тежовчи технологиялар ёрдамида маҳсулотнинг максимал мумкин бўлган қийматини ишлаб чиқариш».

К.Р.Макконелл, С.Л.Брюлар (2011) томонидан «Экономикс» китобида унга қуйидаги таъриф келтирилган: «Иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ва қандайдир маҳсулот натижасида олинладиган нодир ресурслар бирликлари сони ўртасидаги муносабатни ифодалайди».

Республикаимиз олимларидан *Исаев (2021)* сифат менежменти ва стратегик бошқариш интеграциялашган тизимининг методологик ёндашувларини

такомиллаштириш масаласини ўрганишда иқтисодий самарадорликни оширишда стратегик режалаштиришнинг ўрни масаласини ўрганган.

Тадқиқот методологияси.

Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мулкдорлар учун самарадорлик энг аввало молиявий натижаларни (фойда, рентабеллик) ошириш, корхона ва унинг улушлари қийматини узоқ муддатда оширишда ифодаланади. Менежерлар қисқа муддатда иш фаолиятини яхшилашга интиладилар, кўпинча қуйидаги ўз мақсадларини кўзлайдилар - ишлашга боғлиқ ҳақ олишни. Оддий ходимлар муносиб иш ҳақи ва изчил яхши меҳнат шароитлари манфаатдор. Буларнинг барчаси иқтисодий муносабатлардаги барча иштирокчиларнинг истисносиз хатти-ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда самарадорлик тушунчасига кўп қиррали ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Самара – бу натижа бўлиб, миқдор кўрсаткичлари билан тавсифланади. Хорижлик олим *Кокинз (2015)* фикрича “самарадорлик (*efficiency*) - эришилган натижанинг (самаранинг) шу натижани таъминловчи ресурсларга (харажатларга) нисбатидир. Бу ҳолда самарадорлик тежамкорлик, маҳсулдорлик, унумдорлик маъносида қаралади ва харажатлар (ресурслар) бирлигига қайтимни (самарани) ифодалайди. Айрим турдаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ўлчашнинг кўрсаткичлари сифатида капиталнинг қайтими, меҳнат унумдорлиги ва фонднинг қайтими кўрсаткичлари ҳисобланади. *Друкер (2017)* фикрича, “натижадорлик (*efficacy*) тушунчаси корхона олдида қўйилган мақсадларга эришиш даражасини (аниқроғи, тизим эришган натижанинг шу натижанинг истеъмолчининг талаб ва кутишларига мос келиш даражасини)”, - англатади.

Иқтисодий фан ва амалиётда «самарадорлик» тушунчаси муҳим ўринлардан бирини эгаллайди ва у латинча *effectivus* – маълум самарага, керакли натижага эришишдан келиб чиққан. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш корхоналар учун ҳам, халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари учун ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш, инвестиция, капитал қўйилмалар, жараёнлар ва бошқалар самарадорлигини белгилайди.

Замонавий иқтисодиётга оид фанларда «самарадорлик» тушунчасининг ягона аниқ таърифи учрамайди. Ҳозирда иқтисодчилар ушбу атама таърифининг кўплаб талқинларини таклиф қилмоқдалар. «Самарадорлик» иқтисодий категориялардан бири саналиб, унинг моҳиятини ўрганишда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Уларнинг айримлари билан танишамиз.

Умуман олганда, Россиялик олим *Ковалев (2021)* бу борада қуйидаги фикрни билдиради: “иқтисодий самарадорлик билан натижавий таъсирни ўлчайдиган нисбий кўрсаткич бўлиб самарага эришиш учун фойдаланиладиган харажатлар ёки ресурслар саналади”.

*Замонавий иқтисодий луғат (2018)*да самарадорликнинг қуйидаги таърифи келтирилади: «самарадорлик - бу нисбий таъсир, жараённинг натижадорлиги, операция, лойиҳанинг нисбий самараси бўлиб, самара, натижанинг унга эришишга, олишга сарафланган харажатларга нисбати каби аниқланади».

2001-йил, ГОСТ ИСО 9000-2001 йилда «*Сифат менежменти тизими. Асосий қоидалар ва луғат*»ида (2001) “самарадорлик категориясининг қуйидаги таърифини келтиради: «самарадорлик - эришилган натижа ва фойдаланилган ресурслар ўртасидаги муносабатдир», - деб қайд этилган.

1-жадвал

Ҳар хил муаллифлар талқинида “самарадорлик” ва “иқтисодий самарадорлик” атамалари моҳиятини аниқлашга ёндашувлар

Муаллиф	Талқин моҳияти
Каплан, Нортон	Самарадорлик - белгиланган жараён, операция, лойиҳанинг нисбий самараси, натижадорлиги бўлиб, самара, натижани уни юзага келтирган ёки тақдим этган харажатларга нисбати сифатида аникланади.
Подкропривный	Самарадорлик-маълум вақт мобайнида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат (ходимлар) дан фойдаланишнинг якуний натижаларини мураккаб акс эттиришдир
Муромцев	Самарадорлик - режалаштирилмаган, балки самарали натижа билан (фойда, имтиёزلарни максималлаштириш ва сарфланган ресурсларни минималлаштириш орқали-меҳнат, хом ашё, капитал) билан боглик самарадорлик, натижадорликдир.
Коврижных	Самарадорлик - ташкилот фаолиятининг ажралмас ва тузилган тавсифи бўлиб, бу фаолиятнинг муваффақиятини, унинг ташкилотнинг миссияси, мақсад ва вазибаларига мувофиқлигини ҳар томонлама акс эттиради
Лопатников	Самарадорлик-муайян тизим сифатининг ўзига хос хусусиятларидан бири, хусусан, иқтисодий, яъни харажатлар ва фаолият натижалари нисбати бўйича унинг тавсифи.
Мескон, Альберт, Хедоури	Самарадорлик – бу «ички самарадорлик, ресурслардан энг яхши фойдаланишни баҳолайдиган иқтисодиёт».
Шарифхўжаев, Абдуллаев	Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади ҳам оз меҳнат, моддий пул маблағлари сарфлаб кўпроқ самарага эришишдир. Бу деган сўз эришилган самарани сарфланган харажатга бўлиш керак (652-бет)
Ўлмасов, Ваҳабов	Самарадорлик ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижасини таққосланишини билдиради, яъни бу нима сарфлаб, нимага эришганлигини кўрсатади (52-бет)
Ғуломов ва бошқ.	Самарадорлик дейилганда ишлаб чиқариш натижаларининг (маҳсулот, хизмат) уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурслари (харажатлар)га нисбати тушунилади
Абдурахмонов	самарадорлик корхона ресурсларидан фойдаланишининг ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичларини, унумдорлик эса фақат миқдор кўрсаткичларини ифодалайди
Ендовицкий, Любушин	Иқтисодий самарадорлик – бу ташкилотнинг кўп ёки кам ресурслардан фойдаланган ҳолда мақсадга эришиш қобилияти
Друкер	Иқтисодий самарадорлик – бу умумий харажатлар ва иқтисодий натижалар ўртасидаги энг қулай нисбат
Тодаро	«Иқтисодий самарадорлик - самарали талабнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ресурс тежовчи технологиялар ёрдамида маҳсулотнинг максимал мумкин бўлган қийматини ишлаб чиқариш».
Макконелл, Брю	Иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ва қандайдир маҳсулот натижасида олинadиган нодир ресурслар бирликлари сони ўртасидаги муносабатни ифодалайди
Алле	иқтисодий нуқтаи назардан, ишлаб чиқариш соҳасида максимал самарадорлик тушунчаси фақат иқтисодиёт ўзининг ишлаб чиқариш қувватидан энг самарали фойдаланишини англатади; бошқача қилиб айтганда, энди бир хил ресурслар билан яхшироқ натижаларга эришиш мумкин эмас.
Панфиль, Муртазина	иқтисодий самарадорлик - бу бир томондан ишлаб чиқариш натижалари - маҳсулотлар ва хизматлар, иккинчи томондан эса меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари харажатлари ўртасидаги нисбатдир.
Парушина ва Деминова	иқтисодий самарадорлик - бу натижа ва унга эришиш учун сарфланган харажатларнинг кўрсаткичларининг нисбати.
Самуэльсон ва Нордхаус	иқтисодий самарадорлик - бу мавжуд ресурслардан максимал даражада фойда олиш, фойда (фойда) ва харажатларни доимий равишда мувозанатлаш, оқилона ҳаракат қилишдир. Товар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари энг юқори самарадорликка интилишади, фойдаларини максимал даражада оширишади ва харажатларини минималлаштиришади

Манба: эмпирик тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Фишер, Дорнбуш ва Шмалензилар (2012) самарадорликни талқин қилишда ишлаб чиқариш самарадорлигини имкониятлар чизиғи билан боғлашган. Улар агар ишлаб чиқариш вариантлари ушбу имкониятлар чегарасида бўлса, ишлаб чиқариш ресурсларидан смарасиз фойдаланилмоқда., деган хулоса чиқаришади. Буни жамиятда неъматлар, ҳаттоки, биттага кўп бўлса ҳам бу бошқа неъматларни камайтириш асосида амалга ошади, аксинча, ишлаб чиқариш нуқтаси имкониятлар чизиғи ташқарисида бўлса, буни ишлаб чиқаришнинг эришиб бўлмайдиган даражаси, дейишади.

Шунингдек, Пиндайк ва Рубенфильдлар (2002) ишлаб чиқаришга сарфланган маблағлар самарадорлигини ресурс - меҳнат ва капиталга боғлиқ равишда талқин қилишган. Улар «агар битта товарни ишлаб чиқариш бошқа ишлаб чиқаришни камайтирмаган ҳолда амалга ошса, у ҳолда ишлаб чиқариш самарали ҳисобланади», - деб таъкидлайдилар.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий кўрсаткичларидан бири сифатида самарадорлик кўрсаткичлари тушунчанинг ўзи ноаниқлиги туфайли камдан-кам ҳолларда назарий жиҳатдан кўриб чиқилади, деган хулосага олиб келди. Иқтисодчиларнинг самарадорлик тушунчасини талқин қилишидаги ноаниқлик кўриб чиқиладиган категория моҳияти бўйича бир тўхтамнинг йўқлиги билан боғлиқ. Ҳозирги кунда «самарадорлик» тушунчасининг аниқ, умумий қабул қилинган талқини йўқлигига эътибор қаратилади. Кўпинча иқтисодий самарадорлик деганда натижанинг унга эришиш харажатларига нисбати тушунилади.

“Самарадорлик” ва “иқтисодий самарадорлик” каби иқтисодий категориялар моҳиятини очиб беришда муаллифлар ёндашувлари 1-жадвалда умумлаштирилган.

Иқтисодий самарадорлик - иқтисодий фаолият, иқтисодий дастур ва чоратадбирлар самарадорлиги бўлиб, иқтисодий самара, натижанинг ушбу натижани олишга сабаб бўлган омиллар, ресурсларга нисбати ҳамда маълум қийматдаги ресурслар ёрдамида ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажмига эришиш каби таснифланади.

Келтирилган барча ёндашувларни умумлаштириш «иқтисодий самарадорлик» категориясининг мазмунини очиб бериш имконини беради. Бизнинг фикримизча, “иқтисодий самарадорлик деганда натижанинг ташкилотнинг мақсадларига мос келадиган юқори молиявий кўрсаткичларга эришиш билан тавсифланадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун муқобил шароитларни яратишга боғлиқ бўлган ташкилотнинг фаолияти натижасининг унга эришишига сарфланган харажатларига нисбати”, тушунилади.

Хулоса ва таклифлар.

Иқтисодий самарадорлик категориясининг моҳиятини очиб бериш ҳамда уни ошириш имкониятларини излаб топиш борасида қуйидаги таклиф ва хулосалар қилинди:

- хориж ва маҳаллий олимларнинг иқтисодий самарадорлик ҳақидаги фикрларни ўрганишга ёндашувларни таҳлил қилиш бугунги кунда иқтисодий адабиётда иқтисодий самарадорлик концепциясининг аниқ талқини йўқлиги кўрсатади, шунинг учун биз иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун қуйидаги бир қатор ёндашувларни аниқлай оламиз: 1) натижа, таъсир, харажат ёки ресурсларнинг нисбати сифатида; 2) ресурслардан муқобил фойдаланиш натижасида; 3) корхонанинг мақсадларига қандай эришиш; 4) ишлаб чиқариш фаолиятида юқори натижага эришиш;

- таърифнинг кўпчилик талқинлари қуйидагига йўналтирилган: самарадорлик - эришилган самаранинг (натижанинг) унга эришиш харажатларига нисбати. Маълумки, фаннинг кўплаб соҳаларида самара мақсадга мувофиқ жараённинг исталган натижаси, деб қаралади. Самара - исталган натижага эришиш жараёнининг мутлақ миқдорий тавсифи, самарадорлик эса нисбий ва сифат тавсифидир;

- тўқимачилик саноатида мавжуд бошқариш тизимининг назорат механизмини самарали ташкил этиш учун баланслаштирилган кўрсаткичлар тизмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;
- мавжуд хомашёнинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда хом калава чиқиши миқдори ва сифатини ошириш;
- ишлаб чиқаришга замонавий тежамкор техника ва технологияларни жорий этиш орқали харажатларни камайтириш ҳамда маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга эришиш;
- юқори малакали кадрларни жалб қилиш ва уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;
- ишлаб чиқаришда замонавий менежмент усулларида фойдаланиш;
- тармоқда хом ашёга чуқур ишлов бериш орқали қўшимча қиймат ҳосил қилувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишда самарали диверсификация сиёсатини амалга ошириш

Адабиётлар /Литература/References:

- Абдуллаев, Ё.А. (1998) *Макроиқтисодий статистика*. Т.: Меҳнат, Б. 210–211.
- Выварец, А.Д. and Дистергефт, Л.В. (2020) 'Эффективность производства: теория, методология и методика оценки', in *Экономическая эффективность: теория, методология, практика*. Екатеринбург: УГТУ, С. 3–23.
- Друкер, П. (2017) *Практика менеджмента*. М.: Вильямс, 397 с.
- Исаев, Д., Духонин, Е. and Мостовой, Э. (2019) *Управление эффективностью бизнеса. Концепция Business Performance Management*. М.: Альпина Паблишер, 288 с.
- Исаев, Р.А. (2021) 'Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграциялашган сифат менежменти ва стратегик бошқариш тизимининг концептуал асослари', *Бизнес-эксперт*, №3, Б. 7–9.
- Ковалев, В.В. (2021) *Финансовый анализ: методы и процедуры*. М.: Финансы и статистика, 560 с.
- Кокинз, Г. (2015) *Управление результативностью: Как преодолеть разрыв между объявленной стратегией и реальными процессами*. М.: Альпина Паблишер, 654 с.
- Макконнел, К.Р. and Брю, С.Л. (2011) *Экономикс: принципы, проблемы и политика*. 17-изд. М.: ИНФРА-М, 916 с.
- Пардаев, М.Қ. and Абдукаримов, А. (2007) *Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили*. СамИСи, Б. 154.
- Пиндайк, Р. and Рубинфельд, Д. (2002) *Микроиқтисод*. Т.: Шарқ, 448 б.
- Райзберг, Б.А., Лозовский, Л.Ш. and Стародубцева, Е.Б. (2018) *Современный экономический словарь*. 4-е изд. М.: ИНФРА-М.
- Тодаро, М.П. (2017) *Экономическое развитие*. М., 546 с.
- Фишер, С., Дорнбуш, Р. and Шмалензи, Р. (2012) *Экономика*. М.: Республика, 1042 с.